УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.12.2017.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЁҚУБОВ МУҲАММАД МАХСУДОВИЧ

МОСЛАНГАН МАНБАЛИ НОЧИЗИҚЛИ УМУМИЙ КОРТЕВЕГ-ДЕ ФРИЗ ТЕНГЛАМАСИНИ ДАВРИЙ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИДА ИНТЕГРАЛЛАШ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УРГАНЧ – 2018

УДК: 517.957

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.28.12.2017.FM.55.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАТЁҚУБОВ МУҲАММАД МАХСУДОВИЧ

МОСЛАНГАН МАНБАЛИ НОЧИЗИҚЛИ УМУМИЙ КОРТЕВЕГ-ДЕ ФРИЗ ТЕНГЛАМАСИНИ ДАВРИЙ ФУНКЦИЯЛАР СИНФИДА ИНТЕГРАЛЛАШ

01.01.02 – Дифференциал тенгламалар ва математик физика

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УРГАНЧ – 2018

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/FM110 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-mat.urdu.uz/) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Хасанов Ақназар Бекдурдиевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Тахиров Жозил Останович** физика-математика фанлари доктори, профессор
	Хоитметов Умид Азадович физика-математика фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Урганч давлат университети, Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги PhD.28.12.2017.FM.55.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»___________ соат____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч ш., Х. Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-66-11, факс: (99862) 224-67-00, e-mail: ik-mat.urdu@umail.uz).

Диссертацияси билан Урганч давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч ш., Х. Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: (99862) 224-66-11, факс: (99862) 224-67-00).

Диссертация автореферати 2018 йил «____» _______________куни тарқатилди.
(2018 йил «____» _______________ даги _______ рақамли реестр баённомаси).

Б.И. Абдуллаев
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д.

А.А. Атамуратов
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

А.Б. Яхшимуратов
Илмий даража берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д.

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда, мосланган манбали ночизиқли тенгламаларни ўрганишга келтирилади. Спектрал анализнинг тўғри ва тескари масалалари табиатнинг ҳар хил жабҳаларида, масалан, самовий механикада, квант механикасида энергия сатҳлари маълум бўлганида атомларнинг ички кучларини аниқлашда, радиотехникада, эластиклик назариясида, эллиптик мембрананинг тебраниш жараёнини ўрганишда, қаттиқ жисмларнинг кристал тузилишини моделлаштиришда ва замонавий математик физиканинг ночизиқли эволюцион тенгламалари ечимларини аниқлашда вужудга келади. Шу боис тескари спектрал масалалар ёрдамида мосланган манбали умумий Кортевег-де Фриз тенгламаларини интеграллашга оид тадқиқотлар спектрал анализни ривожлантиришда муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда ночизиқли тўлқинлар назариясидаги тадқиқотлар, жумладан оптик солитонлар телекоммуникация технологияларида қўлланила бошланди. Ҳақиқий физик системалар классик тенгламаларнинг модификацияларидан бири бўлган мосланган манбали тенгламалар билан тавсифланади. Бундан ташқари, физик системаларга таъсир қилувчи кучлар фақат чекли вақт оралиғида чекли бўлади, шунинг учун ҳақиқий моделлар фазовий ўзгарувчи бўйича даврий ва деярли даврий функциялар синфларидаги тенгламаларни ўрганишга олиб келинади. Спектрал анализнинг тескари масалалар усулини ночизиқли оптика, плазма физикаси, гидродинамика ва бошқа соҳаларнинг турли масалаларига татбиқлари устувор йўналишлардан бири бўлиб келмоқда. Бу борада мосланган манбали ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламасини, юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасини, юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини, озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида ечиш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий татбиққа эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилди. Жумладан, математик физика тенгламалари ва дифференциал операторлар спектрал назариясининг ночизиқли тўлқинлар назариясидаги тадқиқотларни таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг натижасида математик физиканинг ночизиқли эволюцион тенгламаларини тўғри ва тескари спектрал масалалар ёрдамида тўла интеграллаш бўйича салмоқли натижаларга эришилди. Математик физика, математик физиканинг замонавий усуллари фанларининг устувор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш асосий вазифалар ва фаолият йўналишлари этиб белгиланади[1]. Қарор ижросини таъминлашда тескари спектрал назария, мосланган манбали

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида ”ги 292-сон қарори

ночизиқли тенгламаларни интеграллаш назарияларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумий ҳолда даврий потенциалли Штурм-Лиувилл оператори учун тескари масала И.В.Станкевич, В.А.Марченко, И.В.Островский, Х.П.Мак-Кин, Е.Трубовиц, Х.Хохштадт, Б.Греберт, Т.Каппелер, J.Pöschel, Е.Коротяев, Х.Флашкалар томонидан батафсил ўрганилган.

С.П.Новиков, Б.А.Дубровин, А.Р.Итс, В.Б.Матвеев, П.Лакс ва бошқаларнинг ишларида Хилл оператори учун тескари масала ёрдамида, манбасиз Кортевег-де Фриз тенгламаси, чекли зонали функциялар синфида тўлиқ интегралланувчанлиги исботланган.

Мосланган манбали Кортевег-де Фриз тенгламаси учун Коши масаласи тез камаювчи функциялар синфида илк бор В.К.Мельников, зинасимон функциялар синфида А.Б.Хасанов, Г.Ў.Ўразбоев, комплекс қийматли тез камаювчи функциялар синфида У.А.Хоитметов, даврий функциялар синфида эса А.Б.Хасанов, А.Б.Яхшимуратов томонидан ечилган. Мосланган манбали тенгламалар учун қўйилган турли масалалар Ж.Леон, А.Латифи ҳамда П.Г.Гриневич, И.А.Тайманов томонидан ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Урганч давлат университетининг «Амалий математика» кафедраси илмий тадқиқот ишлари режаси асосида ва ОТ-Ф4-04(05) «Спектрал усулни матрицавий ночизиқли эволюцион тенгламаларни ечишга татбиқлари; Юрак қон томир тизими биомеханикаси» (2017-2018 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади даврий коэффициентли дифференциал операторлар учун тескари спектрал масалалар ёрдамида мосланган манбали ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида ечимини топишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

даврий функциялар синфида юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлигини исботлаш;

даврий функциялар синфида юқори тартибли ва юқори тартибли юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаларини интегралланувчанлигини исботлаш;

даврий функциялар синфида мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлигини исботлаш;

даврий функциялар синфида озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлигини исботлаш;

даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлигини исботлаш;

Тадқиқот объекти. Ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламалари, юкланган ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламалари.

Тадқиқотнинг предмети даврий коэффициентли Штурм-Лиувилл тескари спектрал масаласининг ночизиқли эволюцион тенгламаларни интеграллашга татбиқларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида математик физика, спектрал анализ, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси, дифференциал тенгламаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Хилл оператори ёрдамида интегралланувчи умумий ночизиқли эволюцион тенгламаларни келтириб чиқариш усули берилган;

даврий функциялар синфида юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси интегралланувчанлиги исботланган;

даврий функциялар синфида юқори тартибли, юқори тартибли юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаларини интегралланувчанлиги исботланган;

даврий функциялар синфида мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлиги исботланган;

даврий функциялар синфида озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлиги исботланган;

даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интегралланувчанлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламаларига қўйилган Коши масалаларининг ечимларини топиш алгоритмлари ишлаб чиқилган бўлиб, тенгламалар ечимларининг фазовий ўзгарувчи бўйича аналитиклиги ҳақида олинган хулосалари сонли ҳисоблашларда қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Даврий коэффициентли дифференциал операторлар учун тескари спектрал масалаларни ечиш ва уларни ночизиқли эволюцион тенгламаларни ечишга татбиқ қилишда математик физика, спектрал анализ, функционал анализ ва комплекс ўзгарувчили функциялар назарияси усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда математик мулоҳазаларнинг ва исботларнинг қатъийлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан чизиқли операторлар спектрал назариясида, гидродинамикада ва квант физикасида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Диссертация тадқиқотининг амалий аҳамияти ишда олинган илмий натижалардан математик физикада ночизиқли эволюцион тенгламаларни интеграллашга татбиқ қилиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

Мосланган манбали ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида ечимини топиш асосида: мосланган манбали ночизиқли умумий Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида интеграллашга оид натижалар Словакия лойиҳалар агентлиги VEGAнинг «Qualitative properties and bifurcations of differential equations and dynamical systems» лойиҳасида юқори тартибли ночизиқли дифференциал тенгламаларни ечишда қўлланилган (Братислава университетининг 2018 йил 18 февралдаги маьлумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши мосланган манбали эллиптик типдаги эволюцион тенгламалар билан боғлиқ динамик системалар ҳолатлари ўзгаришини баҳолаш имконини берган.

Мосланган манбали ночизиқли Кортевег-де Фриз тенгламаларини даврий функциялар синфида интеграллашга оид олинган натижалар Урганч давлат университетининг Ф-4-61 рақамли «Мосланган манбали ночизиқли эволюцион тенгламаларни тескари масалалар усулида интеграллаш» лойиҳасида мосланган манбали эволюцион тенгламаларни ечишга татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 3 мартдаги №89-03-1064 сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши турли хилдаги ночизиқли эволюцион тенгламалар ечимини аниқлаш ва уларнинг хусусиятларини ўрганиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 4 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **«Хилл оператори ва унинг татбиқлари ҳақида баъзи маълумотлар»** деб номланган биринчи бобида Хилл оператори учун тескари спектрал масала ёрдамида даврий функциялар синфида Кортевег-де Фриз тенгламасини интеграллаш усули келтирилган.

Биринчи бобнинг биринчи бўлимидан олтинчи бўлимигача, диссертация мазмунини очиб беришда ишлатиладиган, бутун ўқдаги Хилл оператори учун қўйилган тўғри ва тескари спектрал масалага оид бўлган маълумотлар келтирилган.

Қуйидаги Хилл операторини кўриб чиқамиз:

$$Ly \equiv -y'' + q(x)y = \lambda\, y\,, \quad x \in R\,, \tag{1}$$

бунда $q(x) \in C^1(R)$ – ҳақиқий π даврли функция. $c(x,\lambda)$ ва $s(x,\lambda)$ орқали (1) тенгламанинг $c(0,\lambda)=1$, $c'(0,\lambda)=0$ ва $s(0,\lambda)=0$, $s'(0,\lambda)=1$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи ечимларини белгилаймиз. $\Delta(\lambda) = c(\pi,\lambda) + s'(\pi,\lambda)$ функцияга Ляпунов функцияси ёки Хилл дискриминанти дейилади. Қуйидаги

$$\psi_{\pm}(x,\lambda) = c(x,\lambda) + \frac{s'(\pi,\lambda) - c(\pi,\lambda) \mp \sqrt{\Delta^2(\lambda) - 4}}{2s(\pi,\lambda)}\, s(x,\lambda)$$

функцияга (1) тенгламанинг Флоке ечими деб аталади.

L операторнинг спектри қуйидаги тўпламдан иборат:

$$E = \{\lambda \in R:\ -2 \le \Delta(\lambda) \le 2\,\} = R \setminus \left\{ (-\infty, \lambda_0) \cup \bigcup_{n=1}^{\infty} (\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n}) \right\}.$$

Ушбу $(-\infty, \lambda_0)$, $(\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n})$, $n = 1, 2, \ldots$ интервалларга лакуналар дейилади. Бу ерда λ_0, λ_{4k-1}, λ_{4k} сонлар (1) тенгламага қўйилган ($y(0) = y(\pi)$, $y'(0) = y'(\pi)$) даврий, λ_{4k+1}, λ_{4k+2} сонлар эса ($y(0) = -y(\pi)$, $y'(0) = -y'(\pi)$) яримдаврий чегаравий масаланинг хос қийматлари.

ξ_n, $n = 1, 2, \ldots$ орқали (1) тенглама учун қўйилган ($y(0) = 0,\ y(\pi) = 0$) Дирихле чегаравий масаласининг хос қийматларини белгилаймиз. $\xi_n \in [\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n}]$, $n = 1, 2, \ldots$ эканлигини кўриш қийин эмас.

Таъриф 1. ξ_n, $n = 1, 2, \ldots$ сонлар билан $\sigma_n = sign\{s'(\pi, \xi_n) - c(\pi, \xi_n)\}$, $n = 1, 2, \ldots$ ишоралар кетма-кетлигига (1) операторнинг спектрал параметрлари дейилади.

Таъриф 2. Спектрнинг λ_n, $n=0,1,2,\ \ldots$ чегаралари ва ξ_n, σ_n, $n=1,2,\ \ldots$ спектрал параметрларга (1) операторнинг спектрал берилганлари дейилади.

Таъриф 3. (1) операторнинг спектрал берилганларини топиш масаласига тўғри масала дейилади, спектрал берилганлар бўйича $q(x)$ потенциални тиклаш масаласига эса тескари спектрал масала дейилади.

$q(x)$ – потенциал ўзининг $\{\lambda_{n-1},\ \xi_n,\ \sigma_n=\pm 1,\ n\geq 1\}$ спектрал берилганлари орқали ягона аниқланади.

Агар (1) тенгламада $q(x)$ ўрнида $q(x+\tau)$ ни қарасак, у ҳолда ҳосил бўлган операторнинг спектри τ параметрга боғлиқ бўлмайди: $\lambda_n(\tau)\equiv\lambda_n$, $n=0,1,2,\ \ldots$, спектрал параметрлар эса τ параметрга боғлиқ бўлади: $\xi_n=\xi_n(\tau)$, $\sigma_n=\sigma_n(\tau)$, $n=1,2,\ldots$. Бу спектрал параметрлар Дубровин дифференциал тенгламалар системасини қаноатлантиради:

$$\dot{\xi}_n=2(-1)^{n-1}\sigma_n(\tau)h_n(\xi),$$

$$h_n(\xi)=\sqrt{(\xi_n-\lambda_{2n-1})(\lambda_{2n}-\xi_n)}\times\sqrt{(\xi_n-\lambda_0)\prod_{\substack{k=1\\k\neq n}}^{\infty}\frac{(\lambda_{2k-1}-\xi_n)(\lambda_{2k}-\xi_n)}{(\xi_k-\xi_n)^2}}\quad n=1,2,\ldots .$$

Бу ердаги $\sigma_n(\tau)=\pm 1$ ишора $\xi_n(\tau)$ спектрал параметр ўзининг $[\lambda_{2n-1},\lambda_{2n}]$ лакунаси четига келганида қарама-қарши ишорага ўзгаради.

Дубровин дифференциал тенгламалар системаси ҳамда қуйидаги излар формуласи

$$q(\tau)=\lambda_0+\sum_{k=1}^{\infty}(\lambda_{2k-1}+\lambda_{2k}-2\xi_k(\tau)),$$

биргаликда тескари спектрал масалани ечиш усулини беради.

1946 йилда Г.Борг фақат битта чегаравий шарт билан фарқ қилувчи иккита Штурм-Лиувилл чегаравий масаласини уларнинг спектрлари ёрдамида қуришнинг ягоналигини кўрсатган. Агар бу чегаравий масалаларда дифференциал тенгламалар умумий бўлиб, чегаравий шартлар ҳар хил бўлса, у ҳолда потенциални бир қийматли аниқлашнинг ягоналиги ҳақидаги теорема ўз кучини йўқотади.

2002 йилда V.Pierce[2] битта Штурм-Лиувилл тенгламасига қўйилган Дирихле ва Нейман чегаравий масалаларининг спектрлари ёрдамида потенциаллар оиласини қуриш усулини ишлаб чиқди.

Биринчи бобнинг еттинчи бўлимида V.Pierce усулидан фойдаланиб қуйидаги

$$-y''+q(x)y=\lambda y,\ y(0)=0,\ y'(\pi)=0$$

ва

$$-y''+q(x)y=\lambda y,\ y'(0)=0,\ y(\pi)=0$$

Штурм-Лиувилл чегаривий масалаларининг $\{a_n,\ n\geq 0\}$ ва $\{b_n,\ n\geq 0\}$ спектрлари орқали $q(x)\in C^1[0,\pi]$ потенциални тиклаш усули баён қилинган.

[2] Pierce V. Determining the potential of a Sturm-Liouville operator from its Dirichlet and Neumann spectra.// Pacific journal of mathematics, 2002. V. 204. N 2. P. 497-509.

Биринчи бобнинг саккизинчи бўлимида Хилл оператори учун тескари спектрал масала ёрдамида Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида интеграллаш усули келтирилган.

Ушбу

$$q_t = q_{xxx} - 6qq_x,\ x \in R,\ t > 0, \tag{2}$$

Кортевег-де Фриз тенгламасига қўйилган

$$q(x,t)|_{t=0} = q_0(x) \tag{3}$$

Коши масаласини кўриб чиқамиз. Бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция олдиндан берилган π даврли бўлиб, $q_0(x) \in C^3(R)$. Биз (2) тенгламанинг (3) бошланғич шартни ва қуйидаги

$$q(x,t) \in C_x^3(t>0) \cap C_t^1(t>0) \cap C(t \ge 0) \tag{4}$$

силлиқлик шартларини қаноатлантирувчи, x ўзгарувчи бўйича π даврли

$$q(x+\pi,t) = q(x,t), \tag{5}$$

$q(x,t)$ ҳақиқий ечимини топиш билан шуғулланамиз.

Қуйидаги

$$L(t)y \equiv -y'' + q(x,t)y = \lambda\, y, \quad x \in R \tag{6}$$

Хилл тенгламасининг

$$c(0,\lambda,t) = 1,\ c'(0,\lambda,t) = 0\,; \qquad s(0,\lambda,t) = 0\,,\ s'(0,\lambda,t) = 1,$$

бошланғич шартларни қаноатлантирувчи ечимларини мос равишда $c(x,\lambda,t)$ ва $s(x,\lambda,t)$ орқали белгилаб оламиз. Шу билан бир қаторда (6) тенгламага қўйилган ушбу $y(0,t)=0,\ \ y(\pi,t)=0$ Дирихле чегаравий масаласининг хос қийматларини $\xi_j(t),\ j=1,2,...$ орқали ва уларга мос келувчи ортонормалланган хос функцияларини $y_j(x,t)$ орқали белгилаймиз. λ_k, $(k \ge 0)$ орқали (6) тенглама учун қўйилган даврий ёки яримдаврий масалаларнинг хос қийматларини белгилаймиз.

Биринчи боб саккизинчи бўлимининг асосий натижаси қуйидаги теоремада ифодаланган.

Теорема 1. Агар $q(x,t)$ функция (2)-(5) масаланинг ечими бўлса, у ҳолда $q(x+\tau,t)$ потенциалли Хилл операторининг спектри τ ва t параметрларга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(\tau,t)$, $n=1,2,...$ спектрал параметрлар эса Дубровин тенгламалар системаси аналогини қаноатлантиради:

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 2(-1)^n \sigma_n(\tau,t) h_n(\xi) \{2q(\tau,t) + 4\xi_n(\tau,t)\},\ \ n=1,2,3,... \,. \tag{7}$$

Дубровин дифференциал тенгламалар системаси аналогини қаноатлантиради. Бу ерда $\sigma_n = \sigma_n(\tau,t) = \pm 1$ ишора $\xi_n = \xi_n(\tau,t)$ спектрал параметр $[\lambda_{2n-1},\lambda_{2n}]$ ўз лакунасининг четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради.

Изоҳ 1. Қуйидаги излар формуласи

$$q(\tau,t) = \lambda_0 + \sum_{k=1}^{\infty} (\lambda_{2k-1} + \lambda_{2k} - 2\xi_k(\tau,t)) \tag{8}$$

ёрдамида (7) системани ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 1. (7) система ва (8) излар формуласи (2)-(5) масалани ечиш усулини беради. Бунинг учун аввало (6) Хилл тенгламасининг $q_0(x+\tau)$ потенциалига мос келувчи λ_n, $n \ge 0$, $\xi_n^0(\tau)$, $\sigma_n^0(\tau)$, $n \ge 1$ спектрал берилганларини аниқлаймиз. Сўнгра, (7) Дубровин тенгламалар системаси учун $\xi_n(\tau,t)\big|_{t=0} = \xi_n^0(\tau)$, $\sigma_n(\tau,t)\big|_{t=0} = \sigma_n^0(\tau)$, $n \ge 1$ Коши масаласини ечиб, (8) излар формуласи бўйича $q(\tau,t)$ ни топамиз.

Натижа 2. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда бу потенциалга мос келувчи лакуналар узунликлари экспоненциал камаяди. Бу лакуналар $q(x,t)$ потенциалга ҳам мос келади, шунинг учун $q(x,t)$ ечим x ўзгарувчи бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 3. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция π / n даврга эга бўлса, у ҳолда унга мос келувчи номерлари n га каррали бўлмаган барча чекли лакуналар ёпилади. Бу лакуналар $q(x,t)$ потенциалга ҳам мос келади. Шунинг учун $q(x,t)$ ечим x ўзгарувчи бўйича π / n даврга эга бўлади. Бу ерда $n \ge 2$ натурал сон ва $(\lambda_{2k-1}, \lambda_{2k})$ лакунанинг номери k.

Диссертациянинг **«Даврий функциялар синфида юкланган ва юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интеграллаш»** деб номланган иккинчи бобида Хилл оператори ёрдамида интегралланувчи юқори тартибли ночизиқли тенгламаларни келтириб чиқаришнинг содда усули берилган. Даврий функциялар синфида юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси, даврий функциялар синфида юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси, даврий функциялар синфида юқори тартибли юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

Иккинчи бобнинг биринчи бўлимида Хилл оператори ёрдамида интегралланувчи қуйидаги

$$q_t = \frac{1}{2} c_N''' - 2qc_N' - q_x c_N, \ x \in R, \ t > 0, \qquad (9)$$

ночизиқли тенглама келтириб чиқарилган. Бу тенгламага юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси дейилади. Бу ерда $c_N = c_N(x,t)$ функция $q = q(x,t)$ орқали қуйидагича тузилади: берилган $d_k = d_k(t)$, $k = 0,1, \dots, N$ узлуксиз функциялар ёрдамида қуйидаги функцияларни тузамиз

$$c_0 = d_0, \ c_{k+1} = -\frac{1}{4} c_k'' + qc_k - \frac{1}{2} \int_0^x q_x c_k dx + d_{k+1}, \ k = 0,1,\dots,N-1.$$

Масалан,

$$c_1 = \frac{1}{2} d_0 [q + q(0,t)] + d_1,$$

$$c_2 = \frac{1}{8} d_0 [-q_{xx} + 3q^2 + 2qq(0,t) + 3q^2(0,t)] + \frac{1}{2} d_1 [q + q(0,t)] + d_2$$

ва ҳоказо.

Агар $N = 1$ бўлса, у ҳолда (9) тенглама

$$q_t = \frac{1}{4}[q_{xxx} - 6qq_x]d_0 - \frac{1}{2}[2d_1 + d_0 q(0,t)]q_x$$
кўринишда бўлади. Хусусан, агар $d_0 = 0$, $d_1 = -1$ бўлса,
$$q_t = q_x$$
тенглама ва $d_0 = 4$, $d_1 = -2q(0,t)$ бўлса ушбу
$$q_t = q_{xxx} - 6qq_x$$
одатдаги Кортевег-де Фриз тенгламаси ҳосил бўлади.

Агар $N = 2$ бўлса, у ҳолда (9) тенглама ушбу
$$q_t = -\frac{1}{16}d_0(q_{xxxxx} - 10qq_{xxx} - 20q_x q_{xx} + 30q^2 q_x) +$$
$$+\frac{1}{8}[d_0 q(0,t) + 2d_1](q_{xxx} - 6qq_x) - \frac{1}{8}[3d_0 q^2(0,t) + 4d_1 q(0,t) + 8d_2]q_x,$$
кўринишни олади. Хусусан, $d_0 = -16$, $d_1 = 8q(0,t)$, $d_2 = 2q^2(0,t)$ бўлса, ушбу
$$q_t = q_{xxxxx} - 10qq_{xxx} - 20q_x q_{xx} + 30q^2 q_x, \tag{10}$$
ночизиқли тенглама ҳосил бўлади.

Агар $N = 1$ бўлиб, $d_0 = 4$, $d_1(t) = c(t)q(0,t)$ бўлса, ушбу
$$q_t = q_{xxx} - 6qq_x + \gamma(t)q(0,t)q_x$$
юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасига эга бўламиз. Худди шундай бошқа юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаларини ҳосил қилиш мумкин.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлимида юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси даврий функциялар синфида интегралланган. Ушбу
$$q_t = q_{xxx} - 6qq_x + \gamma(t)\cdot q\big|_{x=0}\cdot q_x, \quad x \in R,\ t > 0 \tag{11}$$
юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасига қўйилган
$$q(x,t)\big|_{t=0} = q_0(x) \tag{12}$$
Коши масаласини кўриб чиқамиз. Бу ерда $\gamma(t)$ берилган ҳақиқий узлуксиз функция ва бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция олдиндан берилган π даврли бўлиб, $q_0(x) \in C^3(R)$. Қуйидаги теорема (11) тенгламанинг (12) бошланғич шартни ва қуйидаги
$$q(x,t) \in C_x^3(t > 0) \cap C_t^1(t > 0) \cap C(t \geq 0), \tag{13}$$
силлиқлик шартини қаноатлантирувчи, x ўзгарувчи бўйича π даврли
$$q(x+\pi,t) \equiv q(x,t), \quad x \in R,\ t > 0 \tag{14}$$
$q = q(x,t)$ ҳақиқий ечимини топиш алгоритмини беради.

Теорема 2. Агар $q(x,t)$ функция (11)-(14) Коши масаласининг ечими бўлса, у ҳолда
$$L(\tau,t)y \equiv -y'' + q(x+\tau,t)y = \lambda y, \quad x \in R \tag{15}$$
оператор спектрининг чегаралари, яъни λ_n, $n \geq 0$ сонлар τ ва t параметрларга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$ $n \geq 1$ спектрал параметрлар эса қуйидаги

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 2(-1)^n \sigma_n(\tau,t)[2q(\tau,t) - \gamma(t)q(0,t) + 4\xi_n]h_n(\xi), \quad n \geq 1 \tag{16}$$

Дубровин тенгламалар системасининг анологини қаноатлантиради. Бу ерда $\sigma_n(\tau,t) = \pm 1$ ишоралар $\xi_n(\tau,t)$ спектрал параметр $[\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n}]$ ўз лакунасининг четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради. Бундан ташқари қуйидаги бошланғич шартлар бажарилади:

$$\xi_n(\tau,t)\big|_{t=0} = \xi_n^0(\tau), \;\; \sigma_n(\tau,t)\big|_{t=0} = \sigma_n^0(\tau), \quad n \geq 1, \tag{17}$$

бунда $\xi_n^0(\tau)$, $\sigma_n^0(\tau)$ $n \geq 1$ кетма-кетлик $q_0(x+\tau)$ коэффициентли Хилл операторининг спектрал параметрлари.

Изоҳ 2. (8) излар формуласи ёрдамида (16) системани ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 4. Бу теорема (11)-(14) масалани ечиш усулини беради. Дастлаб ушбу

$$-y'' + q_0(x+\tau)y = \lambda y, \quad x \in R$$

тенгламанинг λ_n, $n \geq 0$, $\xi_n^0(\tau)$, $\sigma_n^0(\tau)$, $n \geq 1$ спектрал берилганларини топамиз. Сўнгра $\tau = 0$ да (16)+(17) Коши масаласини ечиб $\xi_n(0,t)$, $n \geq 1$ ларни аниқлаймиз. Бу топилганларни (16) тенгламага қўйиб ихтиёрий τ да яна (16)+(17) Коши масаласини ечиб $\xi_n(\tau,t)$, $n \geq 1$ ларни топиб, (8) излар формуласидан $q(\tau,t)$ ни аниқлаймиз.

Натижа 5. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 6. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n \geq 2$ натурал сон.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлимида даврий функциялар синфида юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси интегралланган.

Қуйидаги

$$q_t = \frac{1}{2}c_N''' - 2qc_N' - q_x c_N, \; x \in R, \; t > 0 \tag{18}$$

тенгламани ушбу

$$q(x,t)\big|_{t=0} = q_0(x) \tag{19}$$

бошланғич шарт билан кўриб чиқамиз. Бу ерда $q_0(x) \in C^{2N+1}(R)$ - берилган ҳақиқий π даврли функция. (18) тенглама ва (19) бошланғич шартни ҳамда

$$q(x,t) \in C_x^{2N+1}(t>0) \cap C_t^1(t>0) \cap C(t \geq 0) \tag{20}$$

силлиқлик шартларини қаноатлантирувчи, x ўзгарувчи бўйича π даврли

$$q(x+\pi,t) \equiv q(x,t), \quad t \geq 0, \quad x \in R \tag{21}$$

бўлган $q(x,t)$ ҳақиқий функцияни топиш масаласини қарайлик.

Бу бўлимнинг асосий натижаси қуйидаги теоремада баён қилинган:

Теорема 3. $q(x,t)$ функция (18)-(21) масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда, (6) Хилл операторининг спектри t параметрга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(t)$, $\sigma_n(t)$,

$n=1,2,\ldots$ спектрал параметрлар эса қуйидаги

$$\dot{\xi}_n = 2(-1)^n \sigma_n(t)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(0,t)\xi_n^{N-k}\right\} h_n(\xi), \quad n \ge 1 \tag{22}$$

Дубровин тенгламалар системаси аналогини қаноатлантиради. Бунда $\sigma_n(t)=\pm 1$ ишора $\xi_n(t)$ спектрал параметр ўзининг $[\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n}]$ лакунаси четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради.

Натижа 7. Агар $q(x,t)$ ўрнида $q(x+\tau,t)$ функцияни қарасак, у ҳолда даврий ва яримдаврий масалаларнинг хос қийматлари τ ва t га боғлиқ бўлмайди, спектрал параметрлар эса τ ва t га боғлиқ бўлади: $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$, $n=1,2,\ldots$. Бу ҳолда (22) Дубровин системаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 2(-1)^{n-1}\sigma_n(\tau,t)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(\tau,t)\xi_n^{N-k}\right\} h_n(\xi),\ n \ge 1. \tag{23}$$

Натижа 8. (18) тенгламада $N=2$ бўлса, у (10) кўринишни, (23) Дубровин тенгламалар системаси эса ушбу

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 4(-1)^n \sigma_n(\tau,t)\left\{8\xi_n^2 + 4\xi_n q - q_{\tau\tau} + 3q^2\right\} h_n(\xi), \quad n \ge 1 \tag{24}$$

кўринишни олади. (8) ва ушбу

$$q^2(\tau,t) - \frac{1}{2} q_{\tau\tau}(\tau,t) = \lambda_0^2 + \sum_{k=1}^{\infty}(\lambda_{2k-1}^2 + \lambda_{2k}^2 - 2\xi_k^2(\tau,t)) \tag{25}$$

излар формуласи ёрдамида (24) Дубровин тенгламалар системасини ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 9. Юқоридаги (24) Дубровин тенгламалар системаси ва (25) излар формуласи (10), (18)-(21) масаланинг ечимини топиш усулини беради.

Натижа 10. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 11. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n \ge 2$ натурал сон.

Иккинчи бобнинг тўртинчи бўлимида даврий функциялар синфида юқори тартибли юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси интегралланган.

Қуйидаги

$$q_t = \frac{1}{2} c_N''' - 2qc_N' - q_x c_N + \gamma(t)\cdot q\big|_{x=0}\cdot q_x,\ x \in R,\ t > 0 \tag{26}$$

тенгламани ва (19)-(21) шартларни қаноатлантирувчи $q(x,t)$ ҳақиқий функцияни топиш масаласини кўриб чиқамиз.

Иккинчи боб тўртинчи бўлимининг асосий натижаси қуйидаги теоремада ифодаланган.

Теорема 4. $q(x,t)$ функция (26), (19)-(21) масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда, (15) оператор спектрининг чегаралари, яъни λ_n, $n \ge 0$, сонлар τ ва t

параметрга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$, $n\ge 1$ спектрал параметрлар эса Дубровин тенгламалар системасининг қуйидаги аналогини

$$\dot{\xi}_n = 2(-1)^n \sigma_n(\tau,t)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(\tau,t)\xi_n^{N-k} - \gamma(t)q(0,t)\right\}h_n(\xi), \quad n\ge 1 \tag{27}$$

қаноатлантиради. Бунда $\sigma_n(\tau,t)=\pm 1$ ишора $\xi_n(\tau,t)$ спектрал параметр $[\lambda_{2n-1},\lambda_{2n}]$ ўз лакунасининг четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради, ҳамда (17) бошланғич шартлар бажарилади.

Натижа 12. (26) тенгламада $N=2$, $d_0=-16$, $d_1=8q(0,t)$, $d_2=2q^2(0,t)-\gamma(t)q(0,t)$ бўлса, у ҳолда (26) дифференциал тенглама ушбу

$$q_t = q_{xxxxx} - 10qq_{xxx} - 20q_x q_{xx} + 30q^2 q_x + \gamma(t)q(0,t)q_x \tag{28}$$

кўринишни, (27) Дубровин тенгламалар системаси эса ушбу

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 4(-1)^n \sigma_n(\tau,t)\left\{8\xi_n^2 + 4\xi_n q - q_{\tau\tau} + 3q^2 - \gamma(t)q(0,t)\right\}h_n(\xi), \quad n\ge 1 \tag{29}$$

кўринишни олади. (8) ва (25) излар формулалари ёрдамида (29) Дубровин тенгламалар системасини ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 13. (29) Дубровин тенгламалар системаси ва (8) излар формуласи (28), (19)-(21) масаланинг ечимини топиш усулини беради.

Натижа 14. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 15. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n\ge 2$ натурал сон.

Диссертациянинг **«Даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини интеграллаш»** деб номланган учинчи бобида Хилл оператори учун қўйилган тескари спектрал масала ёрдамида, даврий функциялар синфида мосланган манбали Кортевег-де Фриз тенгламасини интеграллаш усули келтирилган, даврий функциялар синфида мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси, даврий функциялар синфида озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси, даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

Учинчи бобнинг биринчи бўлимида даврий функциялар синфида мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

Қуйидаги

$$q_t = q_{xxx} - 6qq_x + \gamma(t)q(0,t)q_x +$$
$$+2\int_0^\infty \beta(\lambda,t)s(\pi,\lambda,t)\left(\psi_+(x,\lambda,t)\psi_-(x,\lambda,t)\right)_x d\lambda,\ t>0, x\in R \tag{30}$$

мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасини (12)-(14) шартни қаноатлантирувчи ҳақиқий $q=q(x,t)$ ечимини топиш талаб қилинади. Бу ерда $\gamma(t)$ берилган ҳақиқий узлуксиз функция ҳамда $\beta(\lambda,t)\in C([0,\infty)\times[0,\infty))$ - берилган ҳақиқий функция бўлиб, ушбу $\beta(\lambda,t)=O\left(\frac{1}{\lambda}\right)$, $\lambda\to\infty$ асимптотикани текис қаноатлантиради. $\psi_{\pm}(x,\lambda,t)$ орқали (6) Хилл тенгламасининг ($\psi_{\pm}(0,\lambda,t)=1$ шарт билан нормалланган) Флоке ечимлари белгиланган.

Теорема 6. Агар $q(x,t)$, $\psi_{\pm}(x,\lambda,t)$ функциялар (30), (12)-(14) масаланинг ечими бўлса, у ҳолда (15) оператор спектрининг чегаралари, яъни λ_n, $n\geq 0$, сонлар τ ва t параметрларга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$, $n\geq 1$ спектрал параметрлар эса Дубровин тенгламалар системасининг қуйидаги аналогини

$$\frac{\partial\xi_n}{\partial t}=2(-1)^n\sigma_n(\tau,t)h_n(\xi)\times$$

$$\times\left\{2q(\tau,t)+4\xi_n-\gamma(t)q(0,t)+\int_0^{\infty}\frac{\beta(\lambda,t)s(\pi,\lambda,t,\tau)}{\xi_n-\lambda}d\lambda\right\},\ n=1,2,... \tag{31}$$

қаноатлантиради. Бу ерда $\sigma_n(\tau,t)=\pm1$ ишора $\xi_n(\tau,t)$ спектрал параметр $[\lambda_{2n-1},\lambda_{2n}]$ ўз лакунасининг четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради, ҳамда (17) бошланғич шартлар бажарилади.

Изоҳ 4. Агар (8) излар формуласидан фойдалансак, (31) система ёпиқ кўринишда ёзилади.

Натижа 16. Бу теорема (30), (12)-(14) масалани ечиш усулини беради.

Натижа 17. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 18. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n\geq 2$ натурал сон.

Учинчи бобнинг иккинчи бўлимида даврий функциялар синфида озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

Қуйидаги

$$q_t=\frac{1}{2}c_N'''-2qc_N'-q_x c_N+f(t),\ x\in R,\ t>0 \tag{32}$$

озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини ва (19)-(21) шартларни қаноатлантирувчи $q(x,t)$ ҳақиқий функцияни топиш масаласини кўриб чиқамиз. Бу ерда $f(t)\in C[0,\infty)$ берилган ҳақиқий функция.

Теорема 7. $q(x,t)$ функция (32), (19)-(21) масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда, (6) Хилл оператори спектрининг чегаралари λ_n, $n\geq 0$ ушбу

$$\dot{\lambda}_n(t)=f(t),\ n\geq 0, \tag{33}$$

тенгламалар системасини қаноатлантиради, $\xi_n(t)$, $\sigma_n(t)$, $n=1,2,...$ спектрал параметрлари эса қуйидаги

$$\dot{\xi}_n = 2(-1)^{n-1}\sigma_n(t)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(0,t)\xi_n^{N-k}\right\}h_n(\xi) + f(t), \quad n \ge 1 \qquad (34)$$

Дубровин тенгламалар системасининг аналогини қаноатлантиради. Бунда $\sigma_n(t) = \pm 1$ ишора $\xi_n(t)$ спектрал параметр ўзининг $[\lambda_{2n-1}, \lambda_{2n}]$ лакунаси четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради. Бундан ташқари қуйидаги бошланғич шартлар бажарилади:

$$\xi_n(t)\big|_{t=0} = \xi_n^0, \ \ \sigma_n(t)\big|_{t=0} = \sigma_n^0 \ , \quad n \ge 1, \qquad (35)$$

бунда ξ_n^0, σ_n^0 $n \ge 1$ - кетма-кетликлар $q_0(x)$ коэффициентли Хилл операторига мос келувчи спектрал параметрлардир.

Натижа 19. Агар $q(x,t)$ ўрнида $q(x+\tau,t)$ функцияни қарасак, у ҳолда даврий ва яримдаврий чегаравий масалаларнинг хос қийматлари фақат t га боғлиқ бўлиб, (33) тенгламалар системасини қаноатлантиради, спектрал параметрлар эса τ ва t га боғлиқ бўлади: $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$, $n=1,2,...$. Бу ҳолда (34) Дубровин системаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 2(-1)^n \sigma_n(\tau,t) h_n(\xi)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(\tau,t)\xi_n^{N-k}\right\} + f(t), \ n=1,2,... \ . \qquad (36)$$

Натижа 20. (32) тенгламада $N=2$ бўлсин, у ҳолда бу тенглама

$$q_t = \frac{1}{4}q_{xxxxx} - 5q_x q_{xx} - \frac{5}{2}qq_{xxx} + \frac{15}{2}q^2 q_x + f(t) \qquad (37)$$

кўринишда ва (36) Дубровин тенгламалар системаси

$$\frac{\partial \xi_n}{\partial t} = 2(-1)^{n-1}\sigma_n(\tau,t)\left\{4\xi_n^2 + 2\xi_n q - \frac{1}{2}q_{\tau\tau} + \frac{3}{2}q^2\right\}h_n(\xi) + f(t), \quad n \ge 1 \ (38)$$

кўринишда бўлиб, уни (8) ва (25) излар формулалари ёрдамида ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 21. (38) Дубровин тенгламалар системаси ва излар формулалари (37), (19)-(21) масалани ечиш усулини беради.

Натижа 22. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 23. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n \ge 2$ натурал сон.

Учинчи бобнинг учинчи бўлимида даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

Қуйидаги

$$q_t = \frac{1}{2}c_N''' - 2qc_N' - q_x c_N +$$

$$+2\int_0^\infty \beta(\lambda,t)s(\pi,\lambda,t)\left(\psi_+(x,\lambda,t)\cdot\psi_-(x,\lambda,t)\right)_x d\lambda\,,\ x\in R,\ t>0 \qquad (39)$$

мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасининг (19)-(21) шартларни қаноатлантирувчи $q(x,t)$ ҳақиқий ечимини топиш масаласини кўриб чиқамиз.

Теорема 8. ($q(x,t)$, $\psi_\pm(x,\lambda,t)$) функциялар (39), (19)-(21) масаланинг ечими бўлсин. У ҳолда, (6) Хилл операторининг спектри t параметрга боғлиқ бўлмайди, $\xi_n(t)$, $\sigma_n(t)$, $n=1,2,...$ спектрал параметрлар эса қуйидаги

$$\dot{\xi}_n = 2(-1)^{n-1}\sigma_n(t)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(0,t)\xi_n^{N-k} + \int_0^\infty \frac{s(\pi,\lambda,t)\beta(\lambda,t)}{\lambda-\xi_n}d\lambda\right\}h_n(\xi),\quad n\ge 1 \quad (40)$$

Дубровин тенгламалар системасининг аналогини қаноатлантиради. Бунда $\sigma_n(t)=\pm 1$ ишора $\xi_n(t)$ спектрал параметр ўзининг $[\lambda_{2n-1},\lambda_{2n}]$ лакунаси четига келганида қарама-қаршисига ўзгаради, ҳамда (35) бошланғич шартлар бажарилади.

Натижа 24. Агар $q(x,t)$ ўрнида $q(x+\tau,t)$ функцияни қарасак, у ҳолда даврий ва яримдаврий чегаравий масалаларнинг хос қийматлари τ ва t га боғлиқ бўлмайди, спектрал параметрлар эса τ ва t га боғлиқ бўлади: $\xi_n(\tau,t)$, $\sigma_n(\tau,t)$, $n=1,2,...$. Бу ҳолда (40) Дубровин системаси қуйидаги кўринишни олади:

$$\frac{\partial\xi_n}{\partial t} = 2(-1)^n\sigma_n(\tau,t)h_n(\xi)\left\{\sum_{k=0}^{N} c_k(\tau,t)\xi_n^{N-k} + \int_0^\infty \frac{\beta(\lambda,t)s(\pi,\lambda,t,\tau)}{\xi_n-\lambda}d\lambda\right\},\ n\ge 1. \quad (41)$$

Натижа 25. (39) тенгламада $N=2$ бўлсин, у ҳолда бу тенглама

$$q_t = \frac{1}{4}q_{xxxxx} - 5q_x q_{xx} - \frac{5}{2}qq_{xxx} + \frac{15}{2}q^2 q_x +$$

$$+2\int_0^\infty \beta(\lambda,t)s(\pi,\lambda,t)\left(\psi_+(x,\lambda,t)\cdot\psi_-(x,\lambda,t)\right)_x d\lambda\,,\ x\in R,\ t>0 \qquad (42)$$

кўринишда ва (41) Дубровин тенгламалар системаси

$$\frac{\partial\xi_n}{\partial t} = 2(-1)^{n-1}\sigma_n(\tau,t)\left\{4\xi_n^2 + 2\xi_n q - \frac{1}{2}q_{\tau\tau} + \frac{3}{2}q^2 + \int_0^\infty \frac{s(\pi,\lambda,t,\tau)\beta(\lambda,t)}{\lambda-\xi_n}d\lambda\right\}h_n(\xi),$$

$$n\ge 1. \quad (43)$$

кўринишда бўлиб, уни (8) ва (25) излар формулалари ёрдамида ёпиқ кўринишда ёзиш мумкин.

Натижа 26. (43) Дубровин тенгламалар системаси ва излар формулалари (42), (19)-(21) масалани ечиш усулини беради.

Натижа 27. Агар бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функция ҳақиқий аналитик бўлса, у ҳолда $q(x,t)$ ечим ҳам x бўйича ҳақиқий аналитик бўлади.

Натижа 28. Агар π/n сони бошланғич шартдаги $q_0(x)$ функциянинг даври бўлса, у ҳолда π/n сони $q(x,t)$ ечимнинг ҳам x бўйича даври бўлади. Бу ерда $n\ge 2$ натурал сон.

Муаллиф, ўзининг илмий маслаҳатчиси профессор Хасанов Акназар Бекдурдиевичга доимий эътибори ҳамда мазкур диссертация натижаларини муҳокамасидаги қимматли маслаҳатлари учун самимий миннатдорчилигини билдиради.

ХУЛОСА

Диссертация иши Хилл оператори учун тўғри ва тескари спектрал назарияси масалаларини мосланган манбали ночизиқли юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасини даврий функциялар синфида интеграллашга татбиқ қилишга бағишланган.

Тадқиқотнинг асосий натижалари қуйидагилардан иборат:

1. Хилл оператори ёрдамида интегралланувчи юқори тартибли ночизиқли тенгламаларни келтириб чиқаришнинг содда усули берилган.

2. Даврий функциялар синфида юкланган Кортевег-де Фриз тенгламаси тўла интегралланувчанлиги исботланган.

3. Даврий функциялар синфида юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасига қўйилган Коши масаласининг ечимини топиш алгоритми ишлаб чиқилган.

4. Даврий функциялар синфида юқори тартибли юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасининг интегралланувчанлиги кўрсатилган.

5. Даврий функциялар синфида мосланган манбали юкланган Кортевег-де Фриз тенгламасининг тўла интегралланувчанлиги исботланган.

6. Даврий функциялар синфида озод ҳади фазовий ўзгарувчига боғлиқ бўлмаган юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасига қўйилган Коши масаласи ечилган.

7. Даврий функциялар синфида мосланган манбали юқори тартибли Кортевег-де Фриз тенгламасининг тўла интегралланувчанлиги исботланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.12.2017.FM.55.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ, КАРАКАЛПАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАТЯКУБОВ МУХАММАД МАХСУДОВИЧ

ИНТЕГРИРОВАНИЕ ОБЩЕГО НЕЛИНЕЙНОГО УРАВНЕНИЯ КОРТЕВЕГА-ДЕ ФРИЗА С САМОСАГЛОСОВАННЫМ ИСТОЧНИКОМ В КЛАССЕ ПЕРИОДИЧЕСКИХ ФУНКЦИЙ

**01.01.02 – Дифференциальные уравнения и математическая физика
(физико-математические науки)**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

УРГЕНЧ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/FM110.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ik-mat.urdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz)

Научный руководитель:	**Хасанов Акназар Бекдурдиевич** доктор физико-математических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Тахиров Жозил Останович** доктор физико-математических наук, профессор
	Хоитметов Умид Азадович кандидат физико-математических наук
Ведущая организация:	**Национальный университет Узбекистана**

Защита диссертации состоится «____» __________2018 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.28.12.2017.FM.55.01 при Ургенчском государственном университете, Каракалпакском государственном университете. (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел.: (99862)224-66-11, факс: (99862) 224-67-00, e-mail: ik-mat.urdu@umail.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирована за №____). (Адрес: 220100, г. Ургенч, ул. Х. Алимджана, дом 14. Тел.: (99862) 224-66-11, факс: (99862) 224-67-00).

Автореферат диссертации разослан «____» _______________2018 года.
(протокол рассылки №________ от «____» _______________2018 года).

Б.И.Абдуллаев
Председатель Научного совета по
присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

А.А.Атамуратов
Ученый секретарь Научного совета по
присуждению ученой степени, к.ф.-м.н.

А.Б.Яхшимуратов
Председатель научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ(аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Статистический анализ результатов многих международных научно-практических исследований мира показывает актуальность изучения нелинейных уравнений с самосогласованным источником. Прямые и обратные задачи спектрального анализа возникают в различных областях природы, в таких как небесная механика, при определении внутренних сил атомов по известным уровням энергии в квантовой механике, радиотехнике, теории упругости, при изучении процесса вибрации эллиптической мембраны, моделировании кристаллических структур твердых тел и при определении решений нелинейных эволюционных уравнений современной математической физики. Таким образом, проблема интегрирования общего уравнения Кортевега-де Фриза с самосогласованным источником остаётся важной в теории спектральных задач.

В настоящее время в мире, исследования в теории нелинейных волн начали использоваться, в частности в области телекоммуникационных технологий оптических солитонов. Реальные физические системы характеризуются уравнениями с самосогласованным источником, являющимся одной из модификацией классических уравнений. Кроме того, силы, действующие на физические системы, ограничены только в течение определенного периода времени, поэтому реальные модели приводятся к изучению уравнений в классе периодических и почти периодических функций по пространственным переменным. Применение обратных задач спектрального анализа к различным вопросам нелинейной оптики, физики плазмы, гидродинамики и других областей является одним из приоритетных направлений. В этом отношении считается научно-целевым исследованием решение нелинейного общего уравнения Кортевега-де Фриза с самосогласованным источником, нагруженного уравнения Кортевега-де Фриза, уравнений Кортевега-де Фриза высших порядков, высшего уравнения Кортевега-де Фриза со свободным членом независящим от пространственной переменной, в классе периодических функций.

В нашей стране особое внимание уделяется фундаментальным наукам, которые имеют практическое применение. В частности, особое внимание было уделено анализу исследования в теории нелинейных волн, спектральной теории дифференциальных операторов и задачам математической физики. Вследствие этого достигнуты значительные результаты для полной интегрируемости нелинейных эволюционных уравнений математической физики при помощи прямых и обратных спектральных задач. Основными задачами и направлениями деятельности являются научные исследования на уровне международных стандартов в области математики, физики и современных методов математической физики[3]. При обеспечении исполнения этих решений имеет большое значение развитие теории обратных спектралных задач, интегрирование нелинейных уравнений с самосогласованным источником.

Эта диссертация, в определенной степени, служит осуществлению задач, обозначенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан №-ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №-ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года и №-УП-4947 «О стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, а также в других нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республики Узбекистан IV. «Математика, механика и информатика».

Степень изученности проблемы. Обратная задача для оператора Штурма-Лиувилля с периодическим потенциалом изучалась И.В.Станкевичем, В.А.Марченко, И.В.Островским, Х.П.Мак-Кином, Е.Трубовицом, Х.Хохштадтом, Б.Гребертом, Т.Каппелер, J.Pöschel, Е.Коротяев, Х.Флашка.

